



Такаллум ахли хирманининг хўша чини ва сўз, дурри самини махзанининг амини ва назм гулистонининг андалиби нагма саройи, я'ни Алишер алмутахаллас бин-Навоий... мундок арз килурким, сўз дурредурким, анинг дар'ёси кўнгулдур ва кўнгул мазхаредурким, жомии маонийи жузв ва кулдур. Андокки, дар'ёдин гавхар гаввос воситаси била жилва намойиш килур ва анинг киймати жавхарига кўра зохир бўлур. Кўнгулдин доги сўз дурри нутк шарафига сохиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур ва анинг киймати ҳам мартабаси нисбатига бока интишор ва иштихор топар. Гавхар кийматига нечукки, маротиб усру кўпдур, хаттоки, бир дирамдин юз тумангача деса бўлур.

Кит'а:

Инжуни олсалар муфаррих учун,
Минг бўлур бир дирамга бир мискол.
Бир бўлур хамки, шах кулокка солур:

Киймати мулк, ибраси амвол

Сўз дуррининг тафовути мундин доги бегоятрок ва мартабаси мундин хам бенихоятрокдур. Андокки, шарифидин тўлган баданга рухи пок етар, касифидин хаётлик танга захри халок хосияти зухур етар.

Кит'а:

Сўз гавхаридурки, рутбасининг
Шархидадур ахли нутк ожиз.
Андинки эрур хасис мухлик,
Кўргузгуча дурур Масих му'жиз.

Ва бу сўзнинг танавуи таақкулдин нари ва тасаввурдин ташкаридур. Агар муболагасиз ижмол юзидин калам сурулса ва ихтисор жонибидин ракам урулса, етмиш икки нав' била таксим топарида худ ҳеч сўз йўқтурки, етмиш икки фирка каломига далолат килгай; аммо улча тафсилийдур. Улдурким, руб'и маскуннинг етти иклимидин хар иклимда неча кишвар бор ва хар кишварда неча шаҳр ва касоба ва кент ва хар даштда неча хил-хил сахронишин улус ва хар тоғнинг кўлларида ва кулларида ва хар бахрнинг жазойирида ва савохилида не тавойиф бор. Хар жамоат алфози, ўзгаларидин ва хар гуруҳ иборати ёналаридин мутагайир ва бирнеча хусусият била мутамайяздурки, ўзгаларда йўқтур. Андокки, туюр ва бахойим ва субо'нинг тиллариким, хар-бирининг ўзгача хуруш ва такаллумлари бор ва гайри мукаррар наво ва тараннумлари. Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод ма'нидур ва мазкур махлуқотдин максуд инсондур ва ул мазхари маоний ва баён, сўз анинг сўзидадур ва такаллум анинг каломида борур.

Эмди келдук сўз баёнига ва калом достониға: Мунча мутанавви' шаҳр ва куро ва жибол

ва сахро ва беша ва дар'ё халкиким, битилди ва танавву' ва тагайюрини шарх этилдики, мажмуида ма'ни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин ма'ни фахм бўлур. Барчасидин араб тили фасохат ойини била мумтоз ва балогат таз'йини била му'жиза тироздурким, хеч такаллум ахлининг мунда да'воси йўктур ва сўзи сидк ва иши таслим-ўқдурким, малики аллом жалла ва алонинг каломи му'жиз низоми ул тил била нозил ва расул (алайхис-салавот вас-салом)нинг аходиси саодат анжоми ул лафз била ворид бўлбдур. Ва авлиёи кибор ва машойихи олий микдор (каддасаллоху асрорахум) кўпрок хакойик ва маорифки сурубтурлар ва маоний зеболарин такрир либосига кюрупдурлар ул фархунда иборат ва ул хужаста алфоз ва ишорат била воки' бўлбтур...

Мундин сўнгра уч нав' тилдурким, асл ва му'табардур ва ул тиллар иборати гавхари била койилининг адосига зевар ва хар кайсининг фуруи багоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва хиндий асл тилларнинг маншаидурки, Нух пайгамбар (салавотуллоху алайх)нинг уч ўглигаким, Ёфас ва Сом ва Хомдур етушур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нух (алайхиссалом) тўфон ташвиридин нажот ва анинг махлакасининг хаёт топти, олам ма'мурасида башар жинсидин осор ва инсон нав'идин намудор колмайдур эрди. Ёфасники, таворих ахли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар Эрон ва Турон мамоликининг васатида воли килди ва Хомники, Абул-хинд дебдурлар Хиндистон билодига узатти. Ва бу уч пайгамбарзода авлод ва атбои мазкур бўлгон мамоликда ёйилдилар ва калин бўлдилар.

Ва Ёфас ўғлонники, Абут-туркдур, тарих ахли иттифоки била дебдурларки, нубувват тожи била сарафроз ва рисолат мансаби била кардошларидин мумтоз бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва хиндий бўлгай, бу учовнинг авлод ва атбои орасида шойи' бўлди... Чун арабий тил ва макол била калом ва хиндий алфоз била музахрафоти нофаржом, бири гояти шараф ва улви манзиладин ва бири ниhoяти нахусат ва дунувви мартабадин орадин чиктилар. Колди туркий алфоз била максуд адоси ва форсий иборат била калом ма'носи. Андок малум бўлурки, турк сортдин тез фахмрок ва баланд идрокрок ва хилкати софрок ва покрок махлук бўлбтур ва сорт туркдин таакул ва илмда дакирокрок ва камол ва фазл фикратида амийкрок зухур килибдур ва бу хол туркларнинг сидк ва сафо ва туз ниятидин ва сортларнинг илм ва фунун ва хикматидин зохир дурур. Ва лекин тилларида камол ва нуксон хайсиятидин фохиш тафовутлардурки, алфоз ва иборат ваз' килурда турк сортка фойик келибдур ва ўз алфозида ишорат, иборатига мазиятлар кўргузуптурки, ўз махалида иншоолло мазкур бўлгай. Яна туркнинг мулоямати таб'ининг сортдин ортуглугига далиле мундин возихрок ва шохиде мундин лойихрок бўла олурмуким, бу икки тоифанинг йигити ва кариси, балки улукдин кичик бориси орасида ихтилот алас-савиядур. Хар микдорки, бу бирининг у бири била амизиш ва гуфтугузори бор, ул бирнинг хам бу бир била хамонча такаллум ва гуфтори бор. Ва сорт орасида ахли таб' ва дониш ва зумраи илму зихн ва бийниш кўпрокдур. Ва гурк элида ажлоф ва сода эл сортдин зиёдадур. Аммо туркнинг улугдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидин бахраманддурлар. Андокким, ўз хурд ахволига кўра айтаодурлар, балки ба'зи фасохат ва балогат била хам такаллум килурлар. Хатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин аш'ор ва ширин гуфтор зохир килурлар, аммо сорт улусининг арзолидин ашрофигача ва омисидин донишмандигача хеч кайси турк тили била такаллум кила олмаслар ва такаллум килгоннинг ма'нисин хам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўз айтса хам хар киши эшитса билур ва анинг сорт эканини фахм килур ва ул

мутакаллим ўз тили била ўз расволигига ўзи икрор килгондекдур. Ва туркнинг асли хилкатда сортдин таб'и мулойимрок эрканга мундин бул'ажаброк тонуг йўкдурки, хечкайси мунинг мукобаласида дам ура олмаслар ва сорт биажмаихим агар турк иборати адосида ожиздур, мухик хам бор. Невчунки, турк алфози возии усру кўп вақтда муболага изхори килиб, жузвий мафхумот учун алфоз ваз' килибдурки, сохиб вукуф киши то зохир килмас, инонса хам бўлмас.

Андокки: кувормок ва курукшамок ва ушармак ва жийжаймок ва ўнгдаймок ва чекримак ва дўмсаймок ва умунмок ва ўсанмок ва итирмак ва эгармак ва ўхранмак ва торикмок ва алдамок ва аргадамок ва ишастмак ва игланмак ва айланмок ва эрикмак* ва игранмак ва овунмок ва кистамок ва кийнамок ва кўзгалмок ва соврулмак ва чайкалмак ва девдашимок ва кийманмок ва кизганмок ва никамак ва сийланмок ва танламак ва кимирдамок ва серпмак ва сирмамак ва ганоргамак ва сигрикмок ва сизгинмок ва килимок ва ёлинмок ва мунгланмок ва индамак ва тергамак ва теврамак ва кинггаймук ва шигалдамак ва синграмок ва яшкамок ва искармок ва кўнгранмак ва сухранмок ва сийпамок ва кораламок ва сурканмак ва куйманмак ва интрамок ва тушалмак ва мунгаймук ва танчикамок ва танчиколмок ва кўруксамак ва бушурганмок ва бўхсамок ва киркинмак ва сукадамак, бўсмук, бурмак, турмак, томшимок, қахамок, сипкормок, чичаркамак, журканмак, ўртанмак, сизгурмок, гурпаклашмак, чупрутмок, жиргамок, бичимок, кикзанмок, сингурмак, кундалатмак, кумурмак, бикирмак, кўнгурламак, кинаркамак, кезармак, дўптулмак, чидамок, тузмак, казганмок, кичигламак, гантирамак, ядамок, кадамок, чиканмок, кўндурмак, сўндурмак, суклатмок.

Бу4 юз лафздурки, гариб макосид адосида тайин килибдурларки, хеч кайси учун сорт тилида лафз ясамайдурларки, барчаси мухтожун илайхдурки, такаллум чогида киши анга мухтож бўлур. Кўпи андокдурки асло анинг мазмунин тафхим килмок бўлмас ва ба'зиники, англатса бўлгай, хар лафз тафхими учун неча лафзни таркиб килмагунча бўлмас, ул даги арабий алфоз мадади била. Ва турк алфозида бу нав' лафз кўп топилур. Масалан, бу мазкур бўлгон юз лафздин бир нечага машгуллуқ килиб собит килали, то хасм мукобалада илзом бўлсунки, ўзгаларни мунга киёс килсун.

Шуаро акобиридинки, ба'зи «май» та'рифида муболага килибдурлар, ва бу му'таддун бих амредурки, май ичмок кавоидида сўз кўп суруп, зарофат ниҳоятсиз зохир килурлар. Бири сипкармок лафзидурки, муболага мундин ўтмас. Туркча назмда бу матла' бордурким.

Байт:

Сокиё, тут бодаким, бир лахза ўзумдин борай,

Шарт булким, хар неча тутсанг лабо-лаб сипкарай.

Оё! бу сипкарай лафзи мазмунига етганда, форсий ше'рда не илож килгайлар. Ва томшимок ки, гоят; завқдин бот ичмас ва лаззат топа-топа, оз-оз ичар. Бу гариб ма'ни адосида туркчада бу матла' борким,

Байт:

Сокий чу ичиб, менга тутар кўш:

Томший-томший ани килай нўш.

Ва бўхсамок лафзи адосида турк бу матла'ни дебдурки, Байт:

Хажри андухида бўхсабмен, била олман нетай,

Май иложимдур кўпуб дайри фаногаб азм этай.

Форсийгўй турк беклар ва мирзодалар бўхсамокни форсий тил била тиласаларки, адо килгайлар. Ва ше'рнинг бино ва мадори ишкка эврлуур ва ошикликда йигламокдин

куллийрак ва доимийрок амр йўктур ва анда танавву' бор: йигламсинмок мазмунидаки,
турк мундок дебдурки,

Байт:

Зохид ишкин десаки, килгай фош,
Йигламсинуру кўзига келмас ёш.

Ва инграмок ва синграмоқким, дард била яшурун охиста «игламоқдур ва ораларида
тафовут оз топилур. Туркчада бу матла' борким, Байт:

Истасам давр ахлидин ишкингни пинхон айламак,
Кечалар гах инграмақдур одатим, гах синграмак.

Форсийда бу мазмунки бўлмагай, шоир не чора килгай? Ва сиктамоқким, йигламоқда
муболагадур, турк бу нав адо килибдурки, Байт:

Ул ойки, кула-кула кировлатти мени,
Йиглатти мени демайки, сиктатти мени.

Яна бийик ун билаки, и'тидолсиз ошуб била йиглагайлар, ани ўкурмак дерлар ва
туркчада ул ма'нида оу матла' борким, Байт:

Ишим тог узра хар'ён ашк селобини сурмақдур.

Фирок ошубидин хардам булут янглиг ўкурмақдур.

Чун ўкурмак мукобаласида форсий тилда лафз йўктур, форсийгўй шоир мунигдек гариб
мазмун адосидин махрумдур. Яна йигламоқнинг ўкурмаки мукобаласида иничкирмак даги
бор ва ул инчка ун била йигламоқдур ва ул турк лафзида бу нав' таркиб била адо
топибдурким,

Байт:

Чарх зулмидаки, бўғзумни кириб йиглармен,
Игирур чарх (урар) инчкириб йиглармен.

Аммо йигламоқта хой-хой лафзин (адода) ўзларин туркийгўйларга шарик килибдурлар ва
бу лафз хам аслан туркий услубдур, ва факирнинг бу мактаи9 машхурдурким, Байт:

Навоий ул гул учун хой-хой йиглама кўп,

Ки хе дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор!

Яна турк алфозида кимсанмок ва кизганмок икки гариб лафздурки, анинг адоси бу
байтда борки, Байт:

Узорингни очарга кимсанурмен,

Вале эл кўрмагига кизганурмен.

Форсийгўй шуаро мундок хўб мазмун адосидин махжурдурлар: Ошик аёгига тикан
кирмакка алар «хор» лафзи била таарруз килибдурлар. Аммо чукурки му'лимрокдур, бу
лафзлари йўктур ва бу туркчада мундок адо топибдурким,

Байт:

Чўкурларким, сенинг йўлингда тевралмиш аёгимга,

Чекиб ул кўй гардин сурма тортармен карогимга.

Яна ишк тарикида махбуб наззораси муяссар бўлса, ошикнинг ниёз юзидин телмурмаги
усру муносиб ишдур, ва бу лафз аларда йўктур, ва мунунгдек лафзлари хам йўктур ва бу
туркчада мундок дийилибдурки,

Байт:

Тўкадур конимни хар дам кўзларинг бокиб туруб,

Ким неча юзумга боккайсен йирокдин телмуруб.

Яна турк лафзининг махбуб жонибидин ясанмоги мукобаласида сорт лафзида ораста ва
оройиш лафзи бор. Аммо безанмак мукобаласида демайдурлар ва ул ясанмогнинг

муболагасидур ва ани мундок дебдурларким,

Байт:

Эрур бас чу хусну малохат сенга,
Ясанмок, безанмак не хожат сенга.

Ва хўбларнинг кўз ва кошлари орасинки, кабог дерлар, форсийда бу узвнинг оти йўктур.
Маснавийда бир жамоат хўб та'рифида мундок дейилибдурким, Байт:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Кабоглари кенг-кенг, огизлари тор.

Яна ишк атворидаким, ашк ва йигламок мукобаласида ох ва иссиг дам умдадур. Турклар
дамни чокинга, охни илдиримга нисбат бериб дебдурларким,

Байт:

Фирокинг ичра улус ўртамакка, эй мохим,
Чокин дурур дамиму илдирим дурур охим.

Сорт тилида чокин ва илдиримдек мутаайин ва му'табар икки нимага от
кўймайдурлар ва араб тили била барк ва соика била адо килибдурлар.

Ва хусн та'рифида улугрок холгаким, турклар менг от кўюптурлар, алар от
кўймайдурлар. Турк бу та'рифни бу нав' адо килибдурким,

Байт:

Анингким, ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти.

Агар бирин-бирин алфоз ваз'идаким, алар таксир килибдурлар, таарруз килилса, сўз
узар. Невчунки, кўп воки'дур. Яна ше'рда барча таб' ахли қошида равшан ва мажму'
фусахо оллида мубархандурки, тажнис ва ийхом багоит куллийтур. Ва бу фархунда
иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсидин кўпрок тажнис омиз лафз ва ийхом
ангез нукта борки, назмга мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва сан'атдур.

Масалан: от лафзики, бир ма'ниси аламдур, яна бир ма'ниси маркабдур ва яна бир
ма'ниси амрдурки, тошни ё ўкни от, деб буюргайлар. Бу тажнисда мундок
дейилибдурким. Байт:

Чун парию хурдур отинг, бегим,
Сур'ат ичра дев эрур отинг, бегим,
Хар хадангиким, улус андин кочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, хам турк шуароси хос сасидурки, сортда йўктур ва
муни туюг лерлар. Ва мунинг та'рифин «Мизонул-авзон» отлиг арузга битилибдур, анда
килибдур.

Яна ит лафзи ва анда доги бу нав' уч ма'ни бор, андоки Байт:

Э ракиб, ўзни анга тутсанг хам ит,
Бизга рахм айлаб унинг кўйидин ит.

Гарчи бор дезахча ишкинг шу'ласи,
Бизни ўз илгинг била ул сори ит.

Ва туш лафзида хам бу нав' уч ма'ни бор. Ва яна ён лафзида ва ёк лафзида хам бу
холдур ва бу нав' лафзики, анда уч ма'ни бўлгай, хад ва хасрдин кўпрак топилур. Ва хили
лафз хам топилурки, тўрт ма'ниси бўлгай, андоки, бор лафзики, бир ма'ниси
мавжудлугдур ва бир ма'ниси амрдур борувга ва бир ма'ниси юкдур ва бир ма'ниси
самардур. Ва андок лафз хам топилурки, беш ма'ниси бўлгай: согин лафзидекки, бир
ма'ниси ёд килмокка амрдур ва бири сутлук кўй отидур ва ишк масти ва мажнуни ва

бемори мукобаласида согин деса, хар бирига итлок килса бўлур. Яна андоки, туз лафзики неча ма'ни ирода килса бўлур. Бири тузки, ўк ё найзадек нимани дерлар- Яна — туз хамвор даштни дерлар. Яна туз—рост кишини дерлар. Яна туз—созни тузмакка амр килмогни, яна туз — икки киши орасида мувофакат солмогни (дерлар). Яна туз — бир мажлис асбобини хам деса бўлур. Ва кўк лафзин хам неча ма'ни била исти'мол килурлар. Бири кўк—осмонни дерлар. Яна кўк охангдур. Яна кўктеграда кўкламдур. Яна кўк кадогни хам дерлар. Яна кўк сабза ва ўлангни доги дерлар. Бу нав' алфоз хамки, уч ма'ни ва тўрт ма'ни ва ортугрокким, ирода килса бўлгай, кўп борки, форсий алфозда андок йўктур.

Ва ма'руф ва мажхул кофияда «вовий», «ёйий» хамки, форсий аш'орда воки' бўлур, икки харакатдин ортук бўлмас, "вовий" андоки хўд ва дуд на зўр ва нур, ва "ёйий" андоки: пир ва шер. Ва туркий алфозда бу ма'руф, мажхул харакат тўрт нав' топилур хам «вовий» ва хам «ёйий»си. «Вовий»си андоки, ўтки шай'и мухрикдур ва ўт мурур ма'ниси била ва ўт мукаммирга бурд жихатидин амр, ва ўтки боридин ирик харакатдур, каллани ўтга тутуп, тукин аритур ма'нидадур. Яна бир мисол: тўрки, домдур яна тўрки, андин дакикрокдурки, куш ўлтур йигочдур, тўрки, андин дакикрокдур: уйнинг тўридур ва тўрки, барчадин ирикдур: тўрлугни ё эшикни тўрмак ўйдур.

Ва ёйий мисол уч харакатдин ортук топилмас безки сорт "кадуд" дер ва бизки "мо" ва "нахну"28 ма'ниси биладур ва бийзки "дарафш" дерлар. Яна бир мисол: Терки, термак ма'ниси биладур. Терки, андин дакикдур, улдурки, сортлар ани "арак" ва "хай" дерлар. Ва тир ки, боридин ирикдур, ўк ма'ниси биладур. Ва бу нав' алфоз кўп, уч харакат била ваз' килибдурларки, холо шойи'дур. Ва неча хуруфка иборат вус'ати учун, балки кофия сухулати учун бир-бирига ширкат берибдурлар. Ул жумладин бири, «алиф» била «хо» орасида муносабат ва мушоракат берибдурларки, бир лафзни хам охири алиф лафз била кофия килса бўлур. Андоки, «аро» лафзин «саро» ва «даро» била кофия килса бўлур, «сара» ва «дара» била хам кофия килса бўлур. Яна бир мисол: андоки «ядо» лафзин «садо» била кофия килса бўлур, «бода» била хам килса бўлур. Ва «вов» била «замма» орасида хам ул нав' ширкатдур. Андоки, «эрур» лафзин «хур», «дур» лафзи би-ла кофия килса бўлур, «гурур» ва «зарур» лафзи била хам жойиздур. Ва «ё» била «касра» орасида доги бу нав'дур. Андоки, «огир» ва «богир» алфозин «содир» ва «кодир» алфози била кофия килса бўлур, «та'хир» ва «тагйир» алфози била хам бўлурки, форсий алфозда бу сухулатлар йўктур. Ва бу алфоз вози'лари кўп нимада жуз'иётка таарруз килиб, гариб мазмун ва мафхумлар учун алфоз ваз' килибдурлар. Андоки, ба'зи масодирда ўтти. Яна гизо ва хар таомки, еса бўлур, егулук дерлар, ва сорт элнинг кўпи, балки барчаси емакни хам ва ичмакни хам «хўрдани»лафзи била адо килурлар. Ва улук кардош ва кичик кардошни иккаласин «бродар» дерлар ва турклар улугни — «ога» ва кичикни «ини» дерлар, ва алар улуг, кичик киз кардошни хам «хохар» дерлар. Ва булар улугни — «эгачи» ва кичикни «сингил» дерлар. Ва булар отанинг ога-инисин «опага» дерлар. Ва онанинг ога-инисин — «тагойи» (дерлар). Ва алар хечкайсига от та'йин килмайдурлар ва араб тили била "эм" ва "хол" дерлар ва кўкалтошни туркча тил била дерлар. Ва атка ва энагани хам бу тил била айтурлар. Бир мутаайин нимаки «ок уйдур», анга «харгох» от кўюптурлар. Аммо анинг ажзосининг кўпини турк тили бил айтурлар. Андоки, тунгрук ва узук ва тўрлук ва босрук ва чиг ва канот ва кўзнак ва увуг ва богиш ва бўсага ва эркина ва ало хозал-киёс. Ва ов ва кушки, салотин одоб ва русумида хар кайси бошка мутаайин иштур, икаласин, «шикор» дерлар. Ва овда умдаки кийикдур, турк анинг эркакин «хуна» ва тишисин «килчокчи»

дер. Яна суйкуннинг хам эркакин «бугу» ва тишисин «марал» дер. Сорт оху ва гаваздин ўзга нима демас. Ва бир шўру шайнлиг овки, тўнгуз овидур, анинг хам эркагини «кобон», тишисин «мегачин» ва ушогин «чўрпа» дерлар. Ва сорт барчасин «хук» ва «гуроз» лафзи била айтур.

Ва келдук кушкаки, анда мукаррар ва машхур илбосун ўрдакдур. Ва сорт эл илбосунни худ билмас. Тоги турк ўрдакнинг эркагин «сўна» ва тишисин «бўрчин» дер. Ва сорт мунга хам от кўймайдур. Ва нар ва мода иккаласин «мургоби» дер. Ва ўрдакнинг анвои билур кушчилар қошида, масалан, жўрка ва эрка, суктур ва олмабош ва чокиркано ва темуркано ва алдалдага ва олапука ва богчол ва бу йўсунлук дерларки, етмиш нав' бўлурким, сорт борисин мургоби-ўк дер. Ва агар бир-биридан мутамайяз килса, туркча от била-ўк айтур. Яна от анвоидаки, тубучок ва аргумок ва яка ва ёбу ва тоту йўсунлик—борини туркча-ўк айтурлар. Ва отнинг ёшин даги кўпракин туркча айтурлар. Бир кулунни «курра» дерлар. Ўзга: той ва гўнан ва дўнан ва тулан ва чирга ва ланга дегунча фасихроклари туркча дерлар ва кўпраги муни хам билмаслар.

Ва отнинг иярин агарчи «зин» дерлар, аммо кўпрак ажзосин, мисли: жибилгир ва хано ва тўкум ва жорлиг ва уларчоғ ва ганжуга ва жилбўр ва кушкун ва кантар ва туфак ва тўка йўсунлук кўпин туркча айтурлар ва камчини агар «тозёна» дерлар, аммо булдургасин ва чубчургасин туркча айтурлар. Ва жиба ва жавшан ва кўха ва колгандурук ва корбичи ва кечим ва оха йўсунлук уруш асбобин хам турк тили била айтурлар.

Ва ма'худий албисадин мисли: дастор ва калпок ва наврўзий ва тўппи ва ширдоғ ва дакла ва ялак ва ёглиг ва терлик ва кур йўсунлук—нималарни борисин турк тили била айтурлар.

Егулуклардин агарчи кўй мучаларидин ба'зига от куюптурлар, аммо оркани ва ошуглук иликни ва ён сўнгакни ва кобургани ва иликни ва ўрта илик ва бўгузлагуни туркча айтурлар. Ва яна ба'зи емаклардин каймоғ ва катлама ва буламоғ ва курут ва улоба ва манту ва куймоғ ва уркамочни хам туркча айтурлар. Ва кимизни ва сузмани ва бохсумни ва бўзани даги туркча айтурлар. Яна тутмоғ ва умоч ва кумоч ва толгонни хам туркча айтурлар. Ва бу нав' жуз'иётка машгулук килса бағоят кўп топилур.

Аммо куллийрак калимотни адо килали: араб тилининг сарфий истилохнинг абвобида бир бобдурки, анга — муфоала боби от кўюптурларки, лафз бир мазкур бўлур, аммо икки киши фе'лига муштамилдурки, бир нав' воки' бўлгай. Андоки, «муораза» ва «мукобала» ва «мушоара» ва «муколама» ва куллий бобдур ва мунда азим фаваид хосил. Ва форсийгўйлар мунча фасохат ва балогат да'воси била бу фойдадин махрум. Аммо турк булагоси бу фойдага таарруз килибдурлар. Ва масдарга бир «Шин» харфи илхок «илмок била ул максудни топибдур. Андоки, «чопишмок» ва «топишмок» ва «кучушмок» ва «ўпушмак» ва бу шойи' лафздур. Ва бу лафз возии азизларга жойи таслим ва тахсиндурки, бағоят хўб килибдурлар. Ва бу фасохат била сорт, фусахосидан тамом сижилибдурлар. Яна арабий сарф истилохда икки мафулук фе'ллар борки, анинг адоси доги му'табар ва куллийдур. Андин доги сортлар орий колибдурлар. Ва атрок анга хам хўброқ вахх била мутобаат килибдурлар. Арабий андоки, «А 'тайту Зайдан дирхаман», бу таркибда уч лафз мазкур бўлур. Алар лафзга бир харф ортургон била мунга ўхшаш бир замирни ортурубтурлар, бағоят мухтасар ва муфид тушубтур. Андоки, югурт ва килдурт ва яшурт ва чикарт. Яна бир адолари борки, ба'зи алфознинг сўнгида «ч, и» ки, «чи» лафзидур, ортурлар, ё мансабнинг ё хунарнинг ё пешанинг изхори учун; форсийда йўктур, балки алар хам туркча айтурлар.

Мансабда андоки, кўрчи, ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи

ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йўсунлуг кўптур.

Хунар ва пешада андоки, кушчи ва борсчи ва кўрукчи ва тамгачи ва жибачи ва йўргачи ва халвочи ва кемачи ва кўйчи. Андоки, куш хунарида доги бу истилох бордур, андоки, козчи ва кувчи ва турначи ва кийикчи ва товушкончики, сорт лафзида йўктур. Ва алар мазкур бўлгонларнинг кўпин туркча айтурлар.

Яна бир нав' иборат ва адолари борким, бировдин бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбат гуна48 берурлар, йўкки, тахкик юзидин, балки мазанна ва гумон хайсиятидин, аммо мунда диккат кўптур Андоки: боргудек ва ёргудек ва келгудек ва билгудек ва айткудек ва кайткудек ва ургудек ва сўргудек ва бу форсийда бўлмас.

Ва ба'зи алфознинг охирида бир «чим» харфи васл килурлар ва анинг била ул фи'лда су'рат йўсунлук ирода килурлар. Андоки, тегач ва айтгач ва боргоч ва ёргоч ва топкоч ва соткоч, яна бир «ре» харфики, ба'зи лафзнинг охирига илхок килурлар, андин муболага ва са'й ирода килурлар, андоки, билакўр ва килакўр ва кетакўр ва етакўр. Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг шумули холига муболага учун анинг аввалида аввал харфига бир «п» ё «мим» изофа килиб, ул шай'га зойд килурлар; «п» мисоли: оп-ок кап-каро, кип-кизил, сап-сариг, юп юмалок, яп-ясси, опочуг, чуп-чукур, бу нав' хили хам топилур, «мим» мисоли: кўм-кўк, ям-яшил, бўм-бўз.

Яна бир «вов» ва «лом» ба'зи лафзга илхок килиб бир махсус сифатка та'йин килурки, салотиннинг хох разм асбоби учун ва хох базм жихоти учун му'табардур. Андоки, хировул, каровул ва чингдовул ва янковул ва сўзивул ва патовул ва китповул ва ясовул ва баковул ва шиговул ва дакавул ким, алар мундин улвийдурлар.

Яна ба'зи лафзга бир «лом» илкок килурларким, ул шайнинг ул сифатда русухига далолат килур. Андоки, кахол ва ясол ва кабол ва тункол ва биркол ва тўскол ва севаргол.

Бу алфоз ва иборатда бу нав' дакойик кўпдурким, бу кунга дегинча хеч киши хакикатига мулохаза килимагон жихатдин бу яшурун колибдур. Ва хунарсиз туркнинг ситам зариф йигитлари осонликка бўла форсий алфоз била назм айтурга машгул бўлубтурлар. Ва филхакикат агар киши яхши мулохаза ва тааммул килса, чун бу лафзда мунча вус'ат ва майдонида мунча фусхат топилур. Керакким, мунда хар нав' сухангузорлиг ва фасихгуфторлиг ва назмсозлиг ва фасона пардозлиг осонрок бў'лгай ва воки' осонрокдур.

Андин сўнграким, турк тилининг жомиияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халк орасидин пайдо бўлгон таб' ахли салохият ва таб'ларин ўз тиллари тургоч, ўзга тил била зохир килмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур кобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди, ва яна бир тил била озрок айтсалар эрди. Ва агар муболага килсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди. Бу ихтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштаба'лари мажмуи сорт тили била назм айткайлар ва билкул турк тили била айтмайллар, балки кўпи айта олмайллар ва айтсалар хам сорт турк тили била назм айткондек фасих турклар қошида ўкуй ва ўтқара олмайллар ва ўкусалар хар лафзларига юз айб топилгай ва хар таркибларига юз э'тироз ворид бўлгай.

Бас бу хайсиятлардин андок малум бўлурким, бу тилда гариб алфоз ва адо кўпдур. Муни хуш оянда тартиб ва рабоянда таркиб била богламогининг душворлиги бор. Мубтадий таб'и ул назмни душворлиг била богламокдин кўфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонрок сари майл килур. Чун неча катла бу нав' воки' бўлди, таб'и хўй килди. Чун табиат му'тод бўлди, ўз му'тодин кўюб гайри му'тодгаким, мушкилрок хам бўлгай, майл килмоги

мутааззирдур.

Яна улким, фахм жинси ожизларни хам мойил, балки муштагил ушбу нав'га кўрар ва иймон ва расм ахли тарикидин чикмогни мунссиб кўрмас, ва бу нав' била колур. Ва мубтадига яна одатдурким, таб'идин ул нима бош урса, чун ўз зодаи таб'и ўзига махбуб эканга мажбулдур, тиларки, ани бу фан ахлига арз килиб жилва бергай. Чун бу фан ахли форсийгўйдурлар ва турк алфозидин бахраманд эмаслар, таб'и ул жонибдин и'роз килиб, бу фанга машгул эл сари майл кўргузур. Эмдики майл кўргузди, муносабатлар топиб хам бу хайлдин бўлур. Андоки, бу замонда бўлубтур. Бори хар такдир билаки бор, бовужуд турк алфознинг форсийга мунча мазияти ва нафс амрда мунча диккати ва вус'ати назм тарикида шойи' эмас эрди ва китмон нихон хонасига тушуб эрди, балки матрук бўлурга ёвушуб эрди.

Бу хоксорга сабо авоилидаким, огиз хуккасидин бирор гавхар зохир бўлабошлар, ул гавхарлар хануз назм силкига кирмайдур эрдиким, замир дар'ёсидин назм силкига тортилгон гавхарлар таб' гаввоси са'йи била огиз сохилига келабошламок кўргузуп эрди. Чун мазкур бўлгон коида бидаким, адо топти—майл форсий сари бўлди. Аммо чун шуур синнига кадам вўюлди, чун хак субхонаху ва таоло таб'га гаробат сари майлни зотий ва диккат ва душворписандликка шуру'ни жибиллий килиб эрди, турк алфозига доги мулохазани лозим кўрулди — оламе назарга келди, ўн саккиз минг оламдин ортук; анда зеб ва зийнат сипехри таб'га малум бўлди, тўккуз фалакдин ортук; анда фазл ва риф'ат махзани учради, дурлари кавокиб гавхарларидин рахшандарок ва гулшани йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дурахшандарок; харими атрофи эл аёги етмакдин масун ва ажноси гаройиби гайр илги тегмакдин ма'мун. Аммо махзанининг йилони хунхор ва гулшанининг тикани беҳад ва шудгор. Хаёлга келдиким, хамоноки, бу йилонлар неши наштаридин таб' ахли хирадмандлари бу махзандин бахра топмай утуптурлар. Ва кўнгулга андак эврулдиким, гўё бу тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутуптурлар. Чун бу тарикда химмат олий эрди ва таб' бебок ва лоуболий, ўтарга кўймади ва тамошосидин тўймади. Ул олам фазосида габ' сипохи турктозлиглар тузди, ва ул сипехр хавосида хаёл куши баланд парвозлиглар кўргузди ва ул ганж жавохиридин замир сайрафиси нихоятсиз кийматлиг ла'л ва дурри самин олди. Ва ул гулшан раёхинидин кўнгул гул чини хад ва гоятсиз наххатлиг гул ва ёсман кўйнига солди.

Чун бу мувохиб била гинолар ва бу ганойим била истигнолар муяссар бўлди, мунинг натойижи гуллари рўзгор ахлига беҳад ва микдор очилабошлади ва бошларига беихтиёр сочи-ла киришти.

Ул жумладин бири - «Гаройибус-сигар» девонидурким, кичик ёшда тахририм гузориш ва тахриримдин ннгориш топибдурким, маоний гурабосидин гариб алфоз либосига кюрупмен ва халк кўнглин ул гарибстон ахли ўти била кўйдуруп мен.

Яна «Наводируш-шабоб» девонидурки, йигитлик авоилида баёним килкидин намоиш девонига ва оройиш бўстонида кирибдурким, ул наводир тамошосидин йигитлик мулкида гавго солибмен, ва мулк йигитлари кўнглидин ором ва карорни олибмен.

Яна «Бадойиул-васат» девонидурким, умр авсатида хаёлим хомаси анинг зебига накшбандлиг ва зийнатида сихрпай-вандлиг килибдурким, ул бади'лар воситасидин шайдо кўнгуллар эшигин ишк тоши била кокибмен ва ул уйга фитна ва офат ўтин ёкибмен.

Яна «Фавоидул-кибар» девонидурким, хаёт авохирида тахайюлум хомаси ани рашки нигорхонаи чин ва гайрати хул-ди барин килибдурким, анда улугларга фоидалар

зулолин еткурупмен ва хаваслари шу'ласига насойих зулолидин сув урупмен.
Бу тўрт девон овозасин чун руб'и маскунга еткурупмен, «Хамса» панжасига панжа урубмен. Аввалким, «Хайратул-аброр» богида таб'им гуллар очибдур, Шайх Низомий рухи «Махзанул-асрор» идин бошимга дурлар сочибдур.
Яна чун «Фарход ва Ширин» шабистонига хаёлим юз тутубтур. Мир Хусрав дами «Ширин ва Хусрав» ўтидин чарогимни ёрутубтур.
Яна чун «Лайли ва Мажнун» водисида ишким пўя уруб, Хожа Химматин «Гавхарнома»сидин нисоримга гавхарлар еткуруптур.
Яна чун «Саб'аи Сайёра» расадин замирим боглабтур, Ашраф «Хафт пайкар»ининг етти хурвашин пешкашимга яроглабтур.
Яна чун «Садди Скандарий» асосин хотирим мухандиси солибдур, Хазрати Махдум «Хираднома»сидин кўси ислох ва имдод чолибдур.
Бу «Хамса» шуглидин чун фарогат топибмен, тахайюлум гети навардин салотин та'рихи даштига чопибмен, чун нома саводи зулматидин «Зубдатут-таворих» адосин тузупмен, салотин ўлган отин бу хайвон суйи била тиргузупмен.
Чун «Насойимул-мухаббат» нафахоти баёнидин килким файзрасон бўлубтур, авлиё-улло мукаддас рухи файзидин олам тўлубтур.
Чун «Лисонут-тайр» илхони била тараннум тузупмен, хуш тили ишорати била хакикат асрорин мажоз суратида кўргузупмен.
Чун «Насрул-луолий» хазойини таржимасига, еттим, «Назмил-жавохир» била ма'ни абкорин хуллаларин мурасса' эттим.
Чун «Мизонул-авзон» бахрларида гаввос бўлдум, ул ми'ёр била Насири Тусий узрин кўлдум.
Яна доги расойилга калам сурупмен ва мукотибга ракам урупменки, форсий сихрсозлар ва пахлавий афсона пардозлар хам анда аврок ораста ва ажзо пироста килибдурларким, дом хакам адолат юзидин кўз солса ва бурунги форсий ва сўнги туркий латойиф ва дакойикидин бахра олса, хукм сўрар замонида ва хар кайсининг мартабасини та'ин килур овонида умидим улдур ва хаёлимга андок келурким, сўзум мартабаси авждин куйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси а'ло даражадин ўзга ерни беганмагай.
Бу сўзлардин хасм мундок билмасун ва муддаий бу нав' гумон килмасунки, менинг таб'им турк алфозига мулойим тушган учун та'рифида муболага изхор килурмен, ва форсий иборатка муносабатим озрок учун инкор ва нафйига исрор кўргузурменким, форсий алфоз истийфосин ва ул иборат истиксосин киши мендин кўпрок килмайдур эркин ва салох ва фасодин мендин яхширок билмайдур эркинким, умрум гулшанининг тоза бахорининг таровати чоги ва хаёт равзасининг наврас сабззорининг назохати ваكتиким, ўн беш ёштин кирк ёшкачадурки, инсон хайлининг таб'и булбули хар гул жамолига шефта ва рухи парвонаси хар шам' хуснига фирефта бўлур, вакт бу авкотдур. Ва бу авкотда кўп гариб воки' ходисдурки, ул вокиа биров хусн ва нозин ё ўз ишк ва ниёзин шарх этарга боис бўлур. Ва бу хол газал тарикида мунхасирким, ё айтурга мутааммил бўлулгай ё ўкурига муштагил. Ўкурига давовиндин бу факир мутолаасига кўп машгул бўлмагон девон оз эркин. Батахсис ишк ва дард ахлининг рахбар ва пешрави Амир Хусрав Дсхлавий девониким, ошикликда дард ва ниёз ва сўз ва гудоз тарикин ул мунташир килди ва онинг ишки маш'алидин бу партав олам тийра хокданига ёйилди. Яна хакикат ахлининг сархайл ва сарафрози Хожа Хофиз Шерозий нукот ва асроринки, анфоси рухул-кудсдин нишон айтур ва рухулло анфосидин асар еткуруптур.

Яна бу факирнинг пири ва устози за тарикат ахлининг сохиби иршоди, жами' ахлуллони муктадо ва шайхул-исломи... Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг рухпарвар латойифи ва рух густар заройификим, андин хар газал калвахйил-мунзал ва хар рисола кал-аходисин-набийи мурсал олий шон ва рафи макондурким, алардин хар лафз кийматда дурри саминдин обдоррок ва хиркатда ла'ли оташиндин барк кирдоррок. Ва иккаласи мазкур бўлгон азиз каломи му'жиз низомидин анда чошни ва насиб ва ўз ишк ва камолоти ва ниҳояти холоти мунга изофаки, хозо шай'ун ажиб! Барчасига кўп катла утупмен, балки кўпин ёд тутупмен, ва касойид ва газалиётларининг гариб ва латофатин билибмен, балки гариброк ва латифрокларига татаббу'даги килибмен. Касойиддин Амир Хусравнинг «Дар'ёи аброр»иким, машхур мундоқдурки, дер эмиш бўлгайки, «юз минг байтдин ортуг девонларим газалиёти ва касойид ва маснавийларим абёти агар олам сахифасидин ююлса ва даврон сафихасидин махв бўлса, ва бу касида колсаки, анда ма'ни истийфоси вофийдур, бу фан ахлига ме-нинг фазойилим далилига кофийдур». Матлаи машхурдурким, Назм:

Кўси шах холию бонги гулгуллааш дарди сараст
Хар ки кони' шуд бахушку тар, шахи бахру бараст.

Бу ше'рга Хазрати Махдумий Нуран жавоб айтубдурлар, ва отин «Лужжатул-асрор» битибдурлар. Ва матлаи будурким, Байт:

Кунгури айвони шах каз кохи кайвон бартараст,
Рахнхо дон каш бадевори хисори дин дараст
ки, агар ул дар'ёи абрордур, бу абри бахордурки, мартабада андин баландрок ва бахрада андин фойдамандрокдурки, анинг устига соя солурга ёйила олур ва бошига дур афшонлиг доги килаолур. Факир иккаласи бузургвори рафи' микдорга ниёзмандлиг ва гадолиг юзидин татаббу' килибмен ва отин «Тухфатул-афкор» деб мен. Ва матлаи будурким,

Байт:

Оташин ла'ле ки, тожи хусравонро зевараст
Ахгаре бахри хаёли хом пухтан дар сараст.

Ва кўп ма'ни ангез иборот ва та'мия амез ишорот изофа килибменки, бу фан ахлининг мохирлари мусаллам тутуптурлар. Ва хар «ишига бу бобда тараддуд бўлса Хазрати Махдумий Нураннинг «Бахористон» отлиг китобинким, ани «Бахористони хаёт ва нигористони нажот» деса бўлур, бу матла'ни битибдурлар ва иетишход юзидин та'рифин айтибдурларки, бу маншури давлат сипехр такига осилса ери бор ва бу тугройи саодатни Муштарий бўйнига овиза килса мужиби мубохот ва ифтихордур. Ул китобни олдик ва бу махаллини топиб назар солдик ва билдикки, улча мен та'рифиди тахрир килибмен, таксир килибмен.

Яна Мир Хусравнинг «Мир'отус-сафо» отлиг касидасигаки, халлокул-маоний Хоконий Шервоний татаббуи килибдур ва матлаи будурким,

Байт:

Дилам тифласту пири ишк устози забон лонаш,
Саводулважх сабаку, масканат кунжи дабистонаш.

Ва Хазрати Махдумий Нуран анинг жавобида «Жилоур-рух» отлиг касидани дебдурлар ва матлаи будурким, Байт:

Муаллим кист, ишку кунжи хомўши дабистонаш,
Сабак нодонию доно дилам тифли сабакхонаш.

Ва факир хам «Насимул-хулд» касидасин икаласи бузургворга татаббу' килибмен ва

матлаи будурким, Байт:

Муаллим ишку пири акл дон тифли сабакхонаш.

Пайи та'диби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш.

Бу касидага доги кўп маоний гавхари дарж ва умр накди харж бўлубдур68. Яна «Рухул-қудс» касидасин баланд овоза килибменки кудсийлар рухин андин тоза килибмен ва матлаи бу дурурким, Байт:

Зихи бахомаи кудрат мусаввар аш'ё,

Хазор накши ажаб хар замон азў пайдо.

Яна «Айнул-хаёт» касидаси зулолин еткурупменки, гафлат ахлининг ўлук баданларига жон киюрупмен ва матлаи будурким, Назм:

Хожибони шаб чу шодирвони савдо афгананд, Жилва дар хайли бутони мох сиймо афгананд.

Яна «Минхожун-нажот» касидасида хидоят тарикин тузупмен ва залолат ахлига нажот шахрохин кўркузупмен ва матлаи будурким, Байт:

Зихи аз шам'и рўят чашми мардум гашта нуруний, Жахонро мардуми чашм омади аз айни инсоний.

Яна «Кувватул-кулуб» касидасинки, килким сабт этибдур, хакикат йўлида за'флиг кўнгулларга ул кутдин кувват етибдур ва матлаи будурким, Байт:

Жахонки, мархалаи танги шохрохи фаност, Дарў масоз икоматки, рохи шоҳу гадост.

Бу олти касида хамд ва на'т ва сано ва мав'изатдур ва ахли тасаввуф ва хакикат тили била ма'рифат.

Яна зохир шуароси тарикида хам тўрт касидаки, «Фусули арбаа»га мавсумдур ва андин тўрт фасл: харорат ва бурудат ва рутубат ва ябусати кайфияти ма'лум, хомам ракам килибдурки, тўрт фасл хосияти асаридек руб'и маскунга ёйилибдур.

Яна суханпардоз устози олий шон Хожа Калимиддин Салмонки, касида майдонининг чобук суворидур ва ўз замонининг беназир сухангузори, машхурдурки, чун масну' касидаси тартибига калам сурубтур, ўн секкизда итмом еткурубдур. Вокиан иши килибдурки, назм ахли анинг тааммукида хайрон ва тааммулида саргардондурлар.

Тарси' сан'атиким, матла'дин ўзга байтда бўла олмас, ул касиданинг агарчи мустахраж матлаи ростдур, аммо асли матла'да аввалги мисра'нинг бир лафзида тахаллуф килибдур ва матлаи будурким,

Байт:

Сафойи сафвати рўят бирехт оби бахор

Хавойи жаннати кўят ба бехт мушки татор.

Бу матла'га татабу' килгон кўп суханварлар лат ебдурлар. Бу факирнинг матлаи будурким, Байт:

ва назм густарлар чун мукобалада дебдурлар,

Чунон вазид ба бўстон насими фасли бахор,

Казон расид ба ёрон шамими васли нигор.

Басорат ахли мулохаза килсалар билурларки, бу матла'-тарси'га воки' булур, айбдин муарро ва мурасса'га келур, э'тироздин мубарродур. Бу нав' ше'рнинг та'кид ва муболагаси учун яна бир рубоий хам дебменки, то Халил бинни Ахмад рубоий коидасин ваз' килибдур, тарси' сан'атида рубоий айтилгон эшитилмайдур, балки йўктур ва ул будурким,

Байт:

Э рўйи ту кавкаби жахон оройи,

Ве бӯйи ту ашхаби равон осойи.

Бе мӯйи ту, ёраб чунон фарсойи

Гисӯйи ту чун шаби фиғон афзойи.

Яна форсий газалиёт девони Хожа Хофиз тавридаким, жами' сухан адолар ва назм пиролар назарида мустахсан ва' матбу'дур, тартиб берибменким, олти мингдин абёти адади кўпракдурки, кўпрак ул хазрат ше'рига татаббу' воки' бўлубтур. Ва ба'зи Хазрати Шайх Муслихиддин Са'дий (куддиса сирруху)гаким, газал таври мухтариидур. Ва ба'зи Мир Хусравгаким, ишк оташкадасининг шу'ла ангезидур ва дард гарибхонасининг ашкреси. Ва ба'зи Хазрати Махдум Нурангаким, камол авжининг мехри ломиидур ва мазкур бўлгон азизлар холотининг жомники, бу девон халойик орасида шойи'дур ва рўзгор ахлининг таб'лари ул сари рожи' ва анда куп турлук дилкаш адолар ва дилпазир ма'нолар воки'дирки, тафсили бу факирдин муносиб эмас. Ва анда хар нав' назм аснофидин, мисли: мукаттаот ва рубоиёт ва маснавий ва та'рих ва лугаз ва ул жумладин беш юзга якин муаммоким, кўпи Хазрати Махдумий Нуран муборак назарига етибдур ва ул хазратнинг ислох ва тахсини шарафин касб этибдурким, хомамдин рўзгор сафхасига ёзилибдур ва каламим лайл ва нахор аврэкида накш килибдур.

Булардин доғи бошка, йигитлигим замони ва шабоб айёми овонида кўпрак ше'рда сихрсоз ва назмда фусун пардоз шуаронинг ширин аш'ори ва рангин абётидин эллик мингдин ортук ёд тутупмен ва алар завк ва хушхоллигининг ўзумни овутупмен ва салох ва фасодларига фикр айтибмен, ва махфий дакойикига таамул ва тафаккурлар била етибмен, ва форсий алфёз айб ва хунари мулохазаси идрокида табим ўзин солмайдур, балки ул водий кат'ида килким равандаси тез гомлиг била кадам урмагон ер колмайдур. Ва ўттуз йилдин ортук ва кирк йилга якиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол ахлига олам мамэликининг мисри муаззаами ва саводи а'замидур, бу мулкнинг жами' назм ахли шуаройи ширин каломи ва фусахойи вожибул-ихтироми хар не хар ма'ни билаким, аврок юзига оройиш ва хар алфоз билаким, ажзо изорига намойиш берибдурлар, бу факир сухбатига еткурубдурлар ва бу заиф оллинда ўткарибдурлар ва хак ва ислох илтимосин килибдурлар, ва хотирга килгон нуктаки, айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар ба'зи ибод килибдурлар далоийил била аларга хотир нишон килилибдур, андин сўнгра кабул килиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар. Ва басо маоний ахли хурдадонлар ва дакойик хайли дакик баёнларки, Анварий ва Салмон ше'рида хар бири бирининг жонибин тутуб бахслар килиб, сўзлари бир-биридан ўтмагандин сўнгра бу факир оллига мухокама учун келтуруптурурлар ва хар не хукм топиб дурурлар мусаллам тутуб, мунокашалари бартараф бўлубтур. Ва газалда Мир Шохий ва Мавлоно Котибий ва алар гайри тарафидин доғи бу йўсунлук ва маснавийда хазрат Шайх Низомий ва Мир Хусрав Дехлавий жонибидин доғи бу дастурлук кўп ноки' бўлупдур.

Барчадин куллийрок санад буким, хазрати иршод панохи... Нуранки,... форсий сўзда жами' алар сўзидин юкорирок сўз йўктур, кўпрак кутуб ва расоил ва газалиёт ва касойиддаки, маоний гавхарларин назм силкига кийдурур эрдилар ва замир нишонхонасининг анжуман тамошогохига жилва берур эрдилар, анинг мусваддасин бурунрок бу факирга илтифот ва э'тикод юзидин берур эрдиларким: «Бу аврокни ол ва боштин оёғига назар сол, хотирингга хар не айткудек сўз келса айт», деб ва хар неишорат бўлгониким, мазкур бўлди, зохир килсам макбул тушар эрди. Бу да'вога далил буким, ўндин ортук кутуб ва расоилда ул хазрат бу факирнинг отин мазкур килибдурлар. Ва кўпи таб' ва идрок ва мунга муносиб нималарга нисбат бериб, мастур килибдурлар. Бу

кабул назари асаридин бир карндин ортук султонус-салотин сипехр ойин сухбатларида ва фирдавс таз'ин хидматларидаким, ахли каломдин ва маколдин фазл ва камол зумрасининг мажмаидур ва илм ва фазлнинг манбаидур, бу факирнинг сўзига мартаба рафи' ва макола васи' эрди, ва ўзига сўз жихатидин азим э'тибор ва оўзига ўз жихатидин бийик поя ва миқдор.

Ва султонус-салотинки, мазхари лутфи илохий ва мазхари анвори хакойики номутанохийдур ва фархунда замири: улум гавхарининг дар'ёси ва хужаста хотири хоксор бандалар зотининг кимийёсидур, бу тойифанинг кўпрак истилох ва кавоидидин олий мажлисда сўз ўтса мухотаб бу факир, фасохат ва балогат ахли натойижи таб'идин хар не мазкур бўлса мушорун илайх бу хакирни килур эрдилар. Ва ул миқдор бу туфрогнинг рутбасин фалакка еткуруп ва онча бу зарранинг поёсин куёшдин ошуруп эрдиларким, ўзларининг хуршед файз таб'ларидин зухур килгон рисолаки, ўз гавхаррез каламларидин нигориш топибдур ва ўз камохии холатлари кайфиятида гузориш сурати тутупдур, бу бойри бандаларини назм тарикининг барча нав'ида та'рифлар битиб, «сохибкирон»лик лакаби била сарафроз килибдурлар ва бемисл ва анбозлиг васфи била мумтоз этибдурлар ва мукаррардурки, хумоюн таб'лари замон мушкилотининг ми'ёридур, фархунда зихнлари олам дакойикининг халлоли ва сохиб асрори.

Бандаи-хоксор агарчи туфрогдин ўксук эрдим, аммо ул куёш тарбияти била ранго-ранг гуллар очтим ва бу афгандаи беи'тибор агарчи заррадин камрок эрдим, ул сахоб таквияти била гуногун дурлар сочтим ва дилсўз аб'ётим муножот ахлига ошуб ва гавго солди ва базм афрўз газалиётим хароботийларга ох ва вовайло солди.

Хосили калом андин сўнграким, мунча кавий далоил ва азим шавохид била бу факирнинг вукуфи, балки махорати бу фаннинг форсий ва туркий назмида собит ва равшан бўлди, агар бирни яна бирга таржих килсам керакки, бу тойифадин хеч кишига мусаллам тутуп сидк демакдин ўзга макол ва мажол бўлмагай. Батахсиски, мунча бурхони коти' била хам кат' топкай ва истишходга бу мусвадданинг хам лафзи йўкки, хар харфи фар'ёд ургайлар ва гавго кўтаргайлар.

Яна бир куллия бу ким, то мулк араб хулафоси ва салотинида эрди, фалак ул вақтда назм дабирига араб тили била жилва берди, андоки, Хассон Собитдек ва Лакитдек маликул-калом сухан гузорлар ва ма'ний офарин фасохат шиорлар пайдо бўлдилар ва ўз тиллари била назм адосининг додин бердилар.

Бу муносабат била араб салотини доги Иброхим Махдийдек ва Ма'мун халифадек ва булардин ўзга хам салотинзодалар гарро назмлардин касойид айттилар ва фавоид зохир килдилар. Чун мулкдин ба'зи аколиим ва кишварда сорт салотини мустакил бўлдилар, ул муносабат била форсийгўй шуаро зухур килдилар. Касидада Хоконий ва Анварий ва Камол Исмоил ва Захир ва Салмондек ва маснавийда устози фан Фирдавский ва нодири замон Шайх Низомий ва жодуйи хинд Мир Хусравдек ва газалда мухтариин вақт Шайх Муслихиддин Са'дий ва ягонаи аср Хожа Хофиз Шерозийдекки, буларнинг та'рифи юкорирок чун шаммаи сурулупдур ва васфларига калам урулупдур. Сўзни узотмок хожат эмас ва калом татвилини ма'ни ахли мустахсан демас. Ва бу муносабат била сорт салотинидин хам Султон Тугрулдек ва Шох Шижо'дек олий кадр подшоҳлар ва рафи' мартаба анжум сипохлар рангин аб'ёт ва ширин газалиёт айттилар ва замонларида машхур бўлди ва рўзгорлари аврокида адастур. То мулк араб ва сорт салотинидин турк хонларига интикол топди, Халокухон замонидин султони сохибкирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шохрух Султоннинг замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул хазратнинг авлод ва ахфодидин хам хуш

таб' салотини зухурга келди: шуаро Саккокий ва Хайдар Хоразмий ва Атоий ва Мукимий ва Якиний ва Амирий ва Гадойидеклар. Ва форсий мазкур бўлгон шуаро мукобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бирнеча матла'лари борким, таб' ахли қошида ўкуса бўлур. Ул жумладин бири будурким,

Байт:

Улки хусн этти бахона элни шайдо килгали,

Кўзгудек килди сени ўзини пайдо килгали.

Ва салотиндин ҳам ўлгуча таб' асари ҳеч қайсидин зохир бўлмади ва варак юзига накш килгуча нима қолмади, Султон Бобирдин ўзгаким, бу матла' алар таб'и асаридурким,

Байт:

Неча юзунг кўруб хайрон бўлайин,

Илохи мен сенга қурбон бўлайин.

То бу вақтқачаким,... Абулғози Султон Хусайн Баходирхон... Рубоий:

Ким то фалак офоқ уза давр қилур,

Анжум гули ҳар тун бу чамандин очилур,

Не шох анинг зоти қиби ёд билур,

Не таб' анинг таб'идек истаб тапилур.

Дигар: То ким фалак эврулур давом ўлсун анга Иқбол бисотида мақом ўлсун анга Ҳам нутқ била жонбахш қалом ўлсун анга Ҳам назм қаломи мустақом ўлсун анга.

жаҳонбонлик тахтида мақом тутти ва қишвар ситанлик мас-надида ором топти,— мулк қилқига амният гавҳарларин чекти, ва жаҳон маз'раида жам'ият доналарин экти, чун қалим қалби гавҳари қони масний эрди ва мустақим зихни мавриди қайси субҳоний, қалом ақлига тарфия ва ибтиҳожлар ва қалом қайлига раванқ ва ривожлар даст берди. Ва ҳар илмда муфид та'лифлар ва ҳар қанда мунтиж таснифлар қилдилар ва қариб қасойили ма'навий зухур қилди ва ақиб давоқин ва қазал ва қасойид ва маснавий ёйилди. Ва ўз шариф таб' ва латиф зихнларидин доқи, ақарқи қам қорсий демаққа қодир ва қам турқча айтмоққа моқир эрди, аммо асли таб' иқтизоси ва шойи' тақаллум муносабати адоси била турқий девон тадвинига майл қилдилар ва қилқазир аб'ёт ва бенақир қазалиёт тартиб бердилар... Қосилқи, турқча тил била бу нав' девонқи, мазқур бўлди ва та'рифқи бу сифат ва ойин билақи, мастур бўлдиқим, бу йўсунлуқ қаройиб йўққи, салотини муқаррами доро қашамдин, балқи шуаройи қудсий нақаси масиқ дамдин воқи' бўлмайдуқ ва орага қирмайдуқ, воқи' бўлди ва ората тушти ва анинг зулоли қайтининг қайси қуёш қашмасидин ўтқали ёвушти ва бу тоифанинг бебақралари бу руқ нақидин бақраёб ва лаб тақналари бу оби қайтдин сероб бўлдилар. Бовужуд бу султонус-салотиннинг қимий асар хотири за қуршед осор қамири доқи мунга мойилқи, турқ нозимлари ўз алқозлари била ше'рға машқуллуқ қилқайлар ва қўнгул қунқаси доқидинқи, қечлар қирманибдуқ бақор нақимидек ақнос била гулдек очилқайлар. Ва илтиқот ва ихтимом юзидин ба'зи ма'нилар тоқиб назм қилурға қуқмлар қам қори бўлди ва сўз услубига та'йинлар ва адосига та'лимлар қам изқори бўлди.

Турқ улуси анинг хуш таб' беклари ва мирзодалари ва соқибқи зихн қок таб'лари ва озодалари андоққи, қерақ машқуллуқ ақбобин туза олмадилар ва ул нав' таб' нақижаси қўргуза олмадиларқи, андин хушқўйлуқ умиди тутса бўлқай, балқи бу умидни аларнинг рўзқори қолига ёвутса бўлқай. Турқароқ буқум, бу нав' подшоқи суқандон тарқибқи ва талқини ва ихсоқи ва тақсини қоиди мутобаат ва мувоқақатни унутуб ва жоқдаи ноқармонлиг ва залолатни тутуб қўпи, балқи бориси қорсийға мойил бўлдилар ва ул тил била назмға қойил. Бу иш муқдин ўзға бўлаолмасқи, турқ тили та'рифқида андоққи,

юкорирок мазкур бўлди: бовужуд алфоз касрати ва иборот вус'ати ва маоний гаробати ва адо салосати дилпазир богламокта суубат бор, ва дилписанд тартиб бермакта таб' ранж ва укубат топар, лозим курунди турк тили шархида бирнеча варака зеб-оройиш бермак ва анда хазрати султонус-са-лотин мулоямати таб' ва махорати зихнларин шарх этмак ва хумогон ра'йлари тартиб берган девон бобида бирнеча сўз густохлиг юзидин сўрмак ва ул хазрат камоли донолик ва вукуф тавонолиг ниҳоятидин бу фан асхобига ва бу фазл арбобига та'лимлар бериб ва талкинлар килиб, булар ул хазратнинг дакик сўзин ё англамай, ё англасалар буюрулгон йўсун била амал килмай, ё килаолмай. Ва бу заифи хоксор ул хазратнинг кудсий нафаси посини асрап ва вожибул-из'он хукмларига итоат ва фармонбардорлик килиб, кўнглумдин ва тилимдин келганча ва каламим ва илигимдин кувват фахм килганча ул хазратка бовужуд бандалиг ва ул бандалиг била саодатмандлиг ва фархундалиг — шогирдликка доғи ўзумни мушарраф ва аржуманд ва мубохий ва сарбаланд килдим. Ва йиллар турк тили ва назми койда ва услубида билмаганларимни сўруп ва мушкилларимни халлоли мушкилотим тобугида арзга еткуруп, фойдалар топиб, куллий натижалар кўрдум. Ул хазратнинг та'лими ва тарбияти била ва раҳнамойлиги ва таквияти била ишим ул ерга еттиким, ул хазрат ўз пок таб'лари натижасидин зоҳир бўлгон рисолаки, ўз маориф нигор килки тахрири эрди ва ўз латойиф осор нутки тақрири, алқобимни юкори адо килдимки, не унвон била сабт килдиларки, муқаррар килмок хожат эрмас.

Бу бандага ҳам чун бу нав' азим давлатки, ҳақ субхонаху ва таолонинг «Ал-мутақаллим» деган исмига мазҳарият бўлғай ва ҳалойик орасида тақаллумда акрон ва амсолдин имтиёз ва э'тибор ва улуг от била овоза ва иштихоргаки, ул хазратнинг иноят ва ихтимомлари боис бўлди, ва юкори мазкур бўлгон давовин ва маснавий ва сойир кутуб ва расойили ма'навийки, то олам биносидур бу тойифадин ҳеч кимга ижтимои даст бермайдур ва ихтирои муяссар бўлмайдур, даст берди ва муяссар бўлди. Агарчи борчани ул хазратнинг шариф исмига муҳайял ва хумоюн алқобига музайял килибмен, буларни сойир ииоятлар муқобаласида тутуп «Ал-мутақаллим» исмига мазҳариятим узрига туркий ва сорт лугати кайфияти ва ҳаққати шархида бу рисолаки жам' килиб битидим. Ва анга «Мухокаматул-лугатайн» от кўйдум, то турк эли тили фасохат ва диққати ва балогат ва вус'атики, ул хазрат бу тил ва иборат била назм бисоти тузупдурлар ва масихо анфоси ва хизр зулолидин ўлук тиргузмак тариқин олам аҳлига кўргузупдурлар, зоҳир килдим. Ва ҳаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасихларига улуг ҳақ собит килдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳаққати ва ўз тил ва лугатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг иборат ва алфоз бобида та'н килур сарзанишидин кутулдилар. Алар доғи ранж ва машаққатим муқобаласида, чун бу маҳфий илмдинки, зоҳир килибмен, вукуф топсалар, умид улким, бу фақирни хайр дуоси била ёд килгайлар ва руҳумни анинг била шод килгайлар. Рубоий:

Бу номаки, ёзди каламим тортиб тил
Та'рихин анинг жумодиюл-аввал бил,
Куннинг рақамини чоршанба килгил,
Тўккуз юз йилдин ўтуб эрди беш йил.

Нашрга тайёрловчи Порсо ШАМСИЕВ

